Ўзбекистонда карантин муносабати билан ЯНГИ ТАҚИҚЛАР ўрнатилди

нафақат вилоятдан вилоятга, балки шаҳар ва туманлар ўртасида ҳам транспорт ҳаракати чекланди

фуқароларга зарур бўлмаганда уйидан ташқарига чиқиш чекланди

фуқаролар ўзаро мулоқот чоғида 2 метр масофа сақлаши шарт

кўчада ва жамоат жойларида 3 кишидан ортиқ одамларнинг тўпланиши тақиқланади

Уйда қолинг!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2020 йил
28 март
ШАНБА
№ 26 (13287)

@haqiqatonline

Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 75 йиллиги олдидан

Наврўз байрами арафасида вилоятимизда кексалик ёшини сураётган 9 нафар уруш фахрийси Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко Фармони билан таъсис этилган "Беларуснинг фашист босқинчиларидан озод қилинганига 75 йил" медалига сазовор бўлишди.

ПИСКЕНТЛИК ОТАХОНГА МАКТУБ КЕЛДИ

"75 йилдирки, Беларусь халқи тинч осмон остида яшамоқда. Бу оловли уруш йилларида босқинчиларга қарши ўз жонини ўйламай фидокорона кураш олиб борган қаҳрамон жангчилар туфайли...

Азиз ветеранлар! Сизга мустаҳкам соғлиқ, барча яхшиликлар ёр бўлсин!

Чуқур ҳурмат билан
Беларусь Республикаси
Президенти
А. Лукашенко".

Тошкент вилояти, Пискент туманида умргузаронлик қилаётган Сирожхон ота Саидмаҳмудовга Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенкодан келган мактубда ана шундай миннатдорчилик сўзлари қайд этилган.

Отахон хатга тўрмулганча, узоқ ўйга толади. Назаримда, ўша лаҳзалар отахоннинг кўз ўнгидан бундан 75-80 йиллар аввалги хотиралар – оловли уруш йиллари, қон кечиб ўтган ёшлиги, Беларуснинг Мелинск ва Смоленск шаҳарлари ҳимояси учун жангларда кечган воқеалар тафсилоти кино тасмасидек бирма-бир ўтди.

Сирожхон ота Саидмаҳмудов 1942 йилнинг сентябрь ойида Беларуснинг Мелинск шаҳрига ҳарбий хизматга чақирилди. Қарийб 100 ёшни қаршилаётган отахон ўша пайтлар айни навқирон, 18 ёшли йигит эди.

– Мелинскда 5 ой ҳарбий санъатдан сабоқ бериб, урушга тайёрлашди, – хотирлайди отахон. – Ўша пайтлар жуда қаттиқ совуқ эди. Ёғаётган қор бел баробар бўлишига қарамай, тайёргарлик ўта кучли эди. Бир соат дам олиб, яна тайёргарлик давом этарди. Ҳарбий тайёргарликдан сўнг бизни Смоленск шаҳри мудофаасига юборишди. Бир жангда оёғимдан яраландим. 4 ой Москвада даволаниб, яна фронтга қайтдим. Беларусь, сўнгра Украинада ўтган қонли жангларда қатнашдим. Ўшанда оёғим иккинчи марта яраланди. Сочида даволаниб, яна урушга қайтдим.

Отахоннинг эслашича, улар 1945 йилда Германиягача кириб борган. Ғалабага эришиб, яна 4 ой ўша ерда хизмат қилган.

– Урушдан қайтганимдан кейин хўжаликда оддий ишчи бўлиб ишлай бошладим. Оила қуриб, тўрт ўғил, бир қизни вояга етказдик. Ҳамма-ҳаммаси аввало тинчлик, сабр-қаноат, ҳалол меҳнат туфайли, албатта. Яна бир узоқ йиллик орзуим бўларди – ҳаж сафари. Яратганга минг шукр, мана шундай замон шарофати билан ушбу орзуим ҳам ушалди.

Ўзаро меҳр-оқибат, хайр-саховат, шарқона янги йил айёми – Наврўз байрами арафасида туман ҳокимлиги ва бошқа ташкилот масъуллари Сирожхон ота Саидмаҳмудов хонадонига ташриф буюриб, Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 75 йиллиги муносабати билан отахонга Беларусь Республикаси Президентининг миннатдорчилик дил сўзлари битилган мактуби ва медални тантанали топширди.

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,
ЎзА

Бугуннинг юмушлари

ДЕҲҚОНКИ ДОНА СОЧАР, ҲАЁТ ЭСА ДАВОМ ЭТАР...

Шундай. Баҳорнинг жаннатий гулу чечаклари ифорини таратаётган насимлар, илиқ жонбахш ҳаво – гўзал фаслнинг айни фараҳбахш онларида ҳақиқий деҳқону миришкорни даладан топасиз. Ҳазрат Навоий бобомиз уларни бежиз "ризқ йўлини очувчилар" деб улуғламаганда.

3

Хавфсиз карантин

20 800 ўринли махсус шифохона фойдаланишга топширилади

Карантинга олинган фуқароларни сақлаш учун вилоятимиз ҳудудида махсус шифохона қурилмоқда. 55 гектар ҳудудда барпо этилаётган шифохонада 3 минг 467 та контейнер ўрнатилади. Барча қулайликларга эга контейнерлар 4 нафардан 8 нафаргача бемор учун мўлжалланмоқда.

Махсус шифохонада чартер рейсларда хорижий мамлакатлардан олиб келинадиган ўзбекистонлик фуқаролар карантинда сақланади. Шифохонани саноқли иш кунида барпо этиш кўзда тутилган. Айни пайтда қурилиш объектида 45 та бригада 1 минг 100 нафардан зиёд қурувчи, 100 дан ортиқ оғир техника ишлаяпти. Махсус изоляция хоналари барча тиббиёт ва санитария-гигиена воситалари билан жиҳозланган. Шунингдек, мажмуада ошхона, лаборатория ва хўжалик қисмларини қуриш ишлари ҳам жадал суръатларда олиб борилмоқда.

Мазкур шифохонада тиббиёт ходимлари учун тураржойлар, реанимация бўлимлари ва махсус хоналар ҳам барпо этилади. Контейнерлар электр энергияси, иссиқ ва совуқ сув ҳамда коммуникация тармоқларига уланади.

ЗАНГИОТА туманида ҳам яна бир шифохона қурилиши жадаллик билан бошлаб юборилди.

Касалхона биносининг лойиҳаси 3 кунда тайёр бўлди. Қурилиш вазирининг маълум қилишича, иккита катта клиника босқичма-босқич қуриб битказилади, бу борада Хитой тажрибаси ўрганилди.

24 соат давом этаётган қурилиш жараёни давомида ишчиларнинг хавфсизлиги тўла таъминланган, уларнинг саломатликлари доимий назорат остида.

ВИЛОЯТ БЎЙЛАБ

Вилоят ҳокими ҚИБРАЙ туманида қад ростлаган янги оилавий поликлиникага ташриф буюриб, бу ерда беморлар учун яратилган шароитлар билан яқиндан танишди. Муассаса замонавий тиббиёт анжомлари ва жиҳозлар билан таъминлангани билан эътиборга лойиқ.

Шунингдек, туманда қуриб битказилган янги мактабгача таълим ташкилоти замонавий жиҳозлар, болалар майдончаси, фойдали ўйинчоқлар, маънавият бурчаги, мусиқа хонаси, ошхона ва ювиниш хоналари билан хориж боғчаларидан асло қолишмайди. Карантин муддати якунига етгач, янги МТТ болажонларни ўз бағрига олади.

* * *

БЎКА туманида 8-сонли мактабгача таълим ташкилотининг янги биноси қуриб битказилди.

Жорий йилги инвестиция дастури асосида мазкур муассаса учун 3 миллиард сўм ажратилиб, болажонлар учун 210 ўринли янги бино қурилди. Бинодаги ҳар бир хона дизайни болаларнинг ақлий ривожланишига ёрдам беришга мўлжалланган.

* * *

Шу кунларда вилоятимизда хайрли бир ишга қўл урилди. БЎКА, ТОШКЕНТ, ОҲАНГАРОН, ПАРКЕНТ туманларида "Ҳар бир ёшга – бир гектар" акцияси бошланди.

Ишсиз юрган йигит-қизларнинг ҳар бирига 20 сотиҳдан бир гектаргача ер ажратилиб, уларга мевали дарахтларнинг кўчатларини экишга ёрдам берилаяпти. Ҳозиргача 315 нафар ёшга 152,5 гектар ер ажратиб берилди. Демак, шу кунгача 315 нафар йигит-қиз иш билан таъминланди.

* * *

Тошкент вилояти Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси тизимидаги спорт мактаблари ўқувчилари уй шароитида индивидуал шуғулланишмоқда.

Жумладан, вилоятимиз чемпион ёшлари: "Биз соғлиғимиз учун уйда машғулот қилдик. Сиз биз учун ўзингизни асранг!" хэштеги остида ҳаваскор ва профессионал спортчиларни уйда шуғулланишга чақиришмоқда.

КОРОНАВИРУСни биргаликда ЕНГАМИЗ!

ЗАРУР ЧОРАЛАР КЎРИЛМОҚДА

Бугун каттаю кичикнинг ўй-хаёли коронавирус касаллигидан ҳимояланиш, уни бартараф этишда.

Бахтиёр БОЛТАБОЕВ,
Тошкент вилояти Санитария-эпидемиология осойишталик маркази бош шифокори

Аввал хабар қилганимиздек, вилоятимиз ҳудудида жойлашган бир қатор санаторий ва болалар ёзги оромгоҳлари карантинга олинганлар учун ажратилган. Хусусан, Қибрай туманидаги "Бўстон" ва "Энергетик", Зангиота туманидаги "Назарбек" сиҳатгоҳлари, шунингдек, Бўстонлиқ туманидаги "Сокол", "Чотқол", "Ёшлик" ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида карантиндаги фуқаролар сақланмоқда.

Ҳозирда карантинга олинган фуқаролар жойлашган масканларда уларнинг соғлиқларини назорат қилиш учун 45 нафар юқумли касалликлар шифокори, 40 нафар ўрта тиббиёт ходими, 60 нафар эпидемиолог ва дезинфекция ишларини амалга оширувчи шифокорлар иш олиб бормоқда.

Шунингдек, вилоят Санитария-эпидемиология осойишталик маркази ҳамда унинг ҳудудий бўлимлари томонидан аҳоли ўртасида коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш бўйича зарур профилактика чоралари кўрилмоқда. Шу мақсадда 66 та дезинфекция гуруҳлари ташкил этилган бўлиб, уларга бириктирилган 170 дан ортиқ ходим жойларда дезинфекция ишларини олиб боришмоқда.

2

Дунё дунё бўлиб, не-не синов ва машаққатларни бошидан ўтказмаган, дейсиз. Афсуски, биз яшаётган XXI аср ҳам бундан мустасно эмас. Ер юзидаги турли халқлар, элу элатлар ўртасидаги масофани янада яқин қилган, улар учун иқтисодий-ижтимоий муносабатлар, савдо-сотиқ, мулоқот, билим ва тажриба, ахборот алмашиш бобида янги-янги имкониятлар очиб берган глобаллашув ҳодисаси, буни қарангки, уларнинг ташвиш ва муаммоларини ҳам муштарак қилиб қўйди. Бунинг тасдиғини 2019 йил декабрь ойида Хитой Халқ Республикасининг Хубэй провинциясида бошланган коронавирус балоси, уч ойнинг нари берисида дунёдаги 180 га яқин давлатга тарқалиб улгургани мисолида барчамиз кўриб турибмиз. Тасаввур қилингки, бундан юз-юз эллик йил олдин бундай воқеани биров билиб, биров билмаган, билсада, «Э, олти ойлик йўл экан, бизга етиб келгунича чўлу биёбонларда йўқ бўлиб кетади», деб қўл силтаб қўйган бўларди.

ҲАММАМИЗ БИР КЕМАДАМИЗ

Мушоҳада

Бугунги манзара, реал вазият тамоман бошқача. Дунёнинг қайси бир чеккасида бўлмасин, муаммо илдиз отса, «Эй, менга нима!» деган қараш билан яшаб бўлмайди. Ўзини замон ва маконнинг ажралмас бир қисми деб билиб, у билан ҳамқадам бормаган давлат ва жамият тараққиётдан четга чиқиб қолади. Тараққиётнинг йўли эса ҳеч қачон осон ва бир текис кечмайди.

Аллақачон глобал дунёнинг узвий бир қисмига айланиб улгурган Ўзбекистонимиз Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида жаҳон аҳли биринчи бор дуч келаётган бундай жиддий хавф-хатарга қарши олдиндан зарур чора-тадбирларни кўрди. Юртимизда коронавирус инфекциясига чалинган дастлабки бемор аниқланиши билан бу борадаги ишлар янада кучайтирилди. Ҳозирги кунда барчамиз Интернет тармоқлари, теле-радио каналлар, матбуот саҳифалари орқали бу касаллик дунё миқёсида қандай оқибатларга олиб келаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Давлатимиз раҳбарининг халқимизга ушбу масала юзасидан қилган мурожаатида юртимизда эпидемиологик вазият қатъий назорат остида экани, аҳолининг кундалик моддий таъминоти учун барча захиралар етарлилиги, беҳуда ваҳима ва шов-шувларга мутлақо ҳожат йўқлиги алоҳида таъкидланди.

Ҳақиқатан ҳам, кўпга келган синов бўлган бугунги эпидемиологик вазият – коронавирус пандемияси барчамиздан мавжуд ҳолат талабларига мос ҳолда ҳаракат қилишимизни талаб этмоқда. «Сабрнинг таги – олтин», дейди халқимиз. Озгина сабр қилсак, ақл-идрок, ҳаётий тажриба асосида иш юритиб, ён-атрофимизга доимо ҳушёр назар билан қараб, шахсий гигиена қоидаларига, шифокорлар томонидан берилаётган тавсияларга қатъий амал қилсак, оила аъзоларимиз, фарзандларимизни ҳам шунга ўргатсак, бу кунлар, албатта, ўтиб кетади.

Бугунги кунда мўътабар отахон ва онахонларимиз, маҳаллаларимиздаги оқсоқоллар, имом-хатиблар, бутун эл-юртимизнинг қўли дуода: не-не буюк азизавлиёларимиз, алломаю мутафаккирларимиз, жаҳонгир султону хоқонларимиз ҳаққи-ҳурмати, халқимизнинг ҳалол меҳнати, эзгу мақсад-муддаолари ҳаққи-ҳурмати, жонимиздан ҳам суюкли фарзандларимиз, набираларимизнинг бахту камоли ҳаққи-ҳурмати бу синовдан мардона ўтиш учун куч ва имкониятларимизни ишга соламиз ва албатта, бу вақтинчалик қийинчиликларни муносиб енгамиз.

Олдимизда гўзал баҳор, экин-тикинлар экилиб, ширин ҳосил берадиган барокатли кунлар, ризқ-рўз фасли турибди ва албатта, мана шундай илоҳий дамларда барча дуоларимиз қабул бўлгай, иншоолло!

Инсоният тарихидан яхши биламиз, миллатнинг, халқнинг жипслиги, бугунги ва эртанги ҳаёти учун қанчалик куюниб яшаши, унинг маънавий-руҳий қудрати, иродаси мана шундай синов кунларида, айниқса, яққол намоён бўлади.

Даврларнинг ақл бовар қилмас талатўплари, тўфон ва суронлари олдида метин қоядек мағрур турган халқимизнинг жасорати ва матонатига қанча китоблар, қасида ва достонлар битилганини барчамиз яхши биламиз.

Президентимиз яқинда Хоразм вилоятига ташриф буюрганларида Урганч шаҳри марказида барпо этиладиган Жалолиддин Мангубердининг муаззам ҳайкали ва у ердаги майдон макетини махсус бориб кўриб, зарур тавсияларни берганлари бежиз эмас, албатта.

Ёки Тошкент шаҳрида барпо этилаётган Ғалаба боғи марказида жасур ўзбек онаси Зулфия ая Зокирова, унинг ўғиллари ва келинлари хотирасига ўрнатилаётган «Матонат мадҳияси» мажмуасини олинг.

Бундай улуғвор ёдгорликлар халқимиз ўз тарихида қандай машаққатли синовлардан ўтгани, нақадар буюк ишларга қодир эканини бизга ҳар лаҳзада яққол эслатиб туради. Биз уларга қараб, чексиз куч-ғайрат, жасорат ва сабоқ оламиз, томиримизда қандай улуғ зотларнинг қони оқаётганини, эл-юртимиз ҳеч қандай хавф-хатар олдида асло бош эгмаганини, Юртбошимиз айтганларидек, сув келса симириб, тош келса кемириб бўлса ҳам олдинга, фақат олдинга интилиб яшаганини юрак-юракдан ҳис этамиз.

Ишончимиз комил, бу гал ҳам шундай бўлади. Маҳаллада, кўча-кўйда, жамоат жойларида бўлганимизда амин бўлмоқдамизки, одамларимиз ҳозирги вазиятни, давлатимиз томонидан кўрилаётган чора-тадбирлар моҳиятини тўғри тушуниб, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда, хавфли инфекциянинг тарқалиб кетмаслиги учун барча эҳтиёт чораларини кўриб, бошқаларни ҳам шунга даъват этиб, касалликнинг олдини олишга ҳисса қўшмоқда.

Худди тарихимизнинг энг қийин даврларида бўлганидек, шу кунларда одамлар ўртасида ўзаро меҳр ва эътибор, ёрдамга муҳтожлар ҳақида алоҳида ғамхўрлик қилиш каби фазилатлар кучайганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Бугунги синов барчамизни бирлаштирмоқда. Ҳаммамиз битта кемада эканимизни, бир юрт фарзандлари эканимизни, бугунги кунимиз ҳам, эртанги ҳаётимиз ҳам бир-биримизга боғлиқлигини ҳар қачонгидан ҳам чуқур ҳис этмоқдамиз.

Икки қўшним бор. Кейинги пайтда арзимаган бир сабаб билан ораларига совуқлик тушиб қолган эди. Шулардан бирининг кампири болалари учун ниқоб олиб келаётган экан, дарвозаси олдини супуриб турган қўшни уй келинига қараб: «Ҳой қизим, дарров мана буни тақиб олинг, оғироёқлисиз, ўзингизни ҳам, болангизни ҳам ўйланг», деб бир жуфт янги ниқоб берибди. Шу билан қўшнилар ўртасидаги гина-кудурат тарқаб кетди. Мана, кўрдингизми, меҳрнинг кучини! Бизнинг халқимизга ана шундай фазилатлар ярашади.

Афсуски, гуруч курмаксиз бўлмаганидек, мана шундай ғоят масъулиятли, давлат ва миллат тақдири, халқимиз саломатлиги, фарзандларимиз келажагини хавф остига қўяётган юқумли инфекция пайтида ҳам савоб ишлар қилиш ўрнига тирноқ остидан кир қидираётган, бўлар-бўлмас ваҳима гаплар тарқатаётган касларда орамизда йўқ эмас. Бундай паллада ёлғон ва ваҳима гап тарқатиш – миллатга, Ватанга хиёнатдир, умид ва ишончнинг илдизига болта уришдир.

Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири,
сенатор

Қадимий китобларимизда ёзилганидек, ваҳиманинг ўзи – ярим касаллик, сабр, ўзига ишонч – ярим шифо. Бундай дамларда ижтимоий тармоқларни ваҳима, бўҳтон манбаига айлантиришга уринаётганлар бунинг ўрнига миллатнинг дардига дармон бўлиш ҳақида ўйласа, уларнинг ўзларига ҳам, халқимизга ҳам яхши бўларди.

Инсон бир сўзни айтишдан, бир ишга қўл уришдан олдин унинг қалбида ишонч юз очиши керак. Ишонч – аввало ўзига, имон, эътиқодига нисбатан бўлиши керак. Имони сўст одам ҳар лаҳзада иккиланиб туради.

Президентимиз ёши улуғлардан, ҳар бир ота-онадан, ҳар қайси раҳбардан бу мушкулотни даф қилишда шахсий намуна, ижобий ибрат кўрсатиши кераклигини неча бор таъкидлаётганлари бизнинг ишончимизга ишонч қўшмоқда.

«Менинг оиламда, жамоамда, менинг ҳудудимда бу касаллик йўқ», деган кўр-кўрона ўй-хаёлдан йироқ булишимиз зарур. Аксинча, ҳар бир бемор инсон менинг қондошим, ватандошим, деб куюнишимиз, тилсиз ва кўринмас ёв олдида доимо сергак бўлишимиз шарт.

Бугун ҳар биримиз имтиҳондамиз. Бу имтиҳондан ёруғ юз билан ўтиш учун биздан бугун якдиллик, аҳиллик, ўзаро меҳр-оқибат ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ талаб этилмоқда.

Эл бошига иш тушган пайтда ҳамиша уйғоқ қалб соҳиби ҳисобланган ижодкорлар зиммасидаги вазифа алоҳида масъулият касб этади, десак, хато бўлмайди. Демоқчиманки, худойим иқтидор берган инсонда ўзгалар қалбига таъсир этиш, уларни лоқайдлик ва бепарволикдан уйғотиш учун буюк қурол – сўз ва истеъдод бор. Бу ўткир қуролни уларга халқ берган ва уни эл-юртимиз манфаати учун бугун ишлатмасак, қачон ишлатамиз?

Эзгу ниятда қилинган даъват – эзгуликка очилган эшикдир. Шунинг учун мен истардимки, бугунги мураккаб вазиятда эл дарди билан ёниб яшайдиган ижодкорларимиз хавф-хатарга қарши курашда олдинга сафларда бўлишлари лозим.

Оилаларимизда фарзандларимизга ўқиб берилган китоб ёки уларнинг китоб ўқишини кузатсак, назорат қилсак, улар билан ҳаёт, умр мазмуни ҳақида, буюк аждодларимиз ҳаёти, жасорати ҳақида самимий суҳбатлар ўтказсак, болаларимиз қалбида эзгулик чироғини ёққан, уларни ҳаёт синовларига тайёр қилиб тарбиялаган бўламиз.

Асрлар оша халқимиз дилида, тилида яшаб келаётган шундай бир ҳикмат бор: ўғлини ўқитган одам – бир инсонни, қизини ўқитган эса миллатни ўқитган бўлар экан. Чунки аёл, она ўқимишли бўлса, бутун хонадон аҳлини, айниқса, фарзандларини ўқишга, китобга бўлган муҳаббатини оширади. Бу ҳақиқатни шу кунларда ўтказадиган оилавий китобхонлик жараёнларида алоҳида эътиборга олсак, асло кам бўлмаймиз.

Маълумки, давлатимиз раҳбари Парламентга бу йилги Мурожаатномасида маҳаллий кенгашлар депутатларининг фаоллигини ошириш, ўз сайловчилари ва халқ олдида уларнинг масъулият билан иш юритиши борасида муҳим таклифларни билдириб, уларни амалга ошириш бўйича зарурий талабларни ўртага ташлади. Агар Тошкент вилоятида 626 та туман-шаҳар ва 60 та вилоят кенгаши – жами 826 та депутат борлигини инобатга олсак, бу жуда катта куч.

Бугунги синов дамларида ҳар бир депутат ўз ҳудудида карантин талабларига риоя қилишда масъулиятни зиммасига олса, шифокорлар, оқсоқолларнинг ёнида туриб, уларга кўмакчи бўлса, фаол тарғиботчига айланса, албатта, ижобий натижага эришамиз. Биз бир-биримизни асрасак, Яратган ҳам бизни асрайди. Ахир, «асралганни асрагай» деган ибора бежизга айтилмаган.

Албатта, баъзан-баъзан кўзга ташланаётган очкўзлик, молпарастлик, шуҳратпарастлик каби иллатлар жамиятимиз учун бутунлай ёт бўлиши керак. Кеча аръзон сотиб турган нарсасини бугун қиммат сотаётган, халқ бошига тушган ташвишдан ҳам фойда олиш ҳаракатига тушиб қолганлар худодан қўрқсин, бандадан уялсин. «Қорин қайғуси қозонгача, қадр қайғуси қабргача» деган ҳикматли сўзга амал қилишимиз жоиз. Инсоннинг қадри унинг сабр-матонатида, фидойилигида, ўз нафси устидан ғалабасида билинади. Чиқиндихоналарга ташланган ниқобларни териб юриб, уни қайта ювиб, алдаб сотишга қаратилган ҳаракатлар – бу шармандаликнинг олий даражаси бўлиб, на динимизга, на қонунларимизга тўғри келади.

Шунн унутмайлик, бу синовли кунлар тезда ўтиб кетади, дарду ташвишларимиз унут бўлади. Аммо, қора қилмишлар унутилмайди. Доимо халқ билан бирга бўлиб, унинг дардларига малҳам бўлайлик!

БИЗ УЧУН УЙДА ҚОЛИНГ!

Бугунги кунда мамлакатимизда коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш мақсадида кенг миқёсда чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, оммавий тадбирлар ўтказиш бўйича чекловлар жорий этилди, таълим муассасаларининг ўқувчи ва талабалари таътилга чиқарилди, тиббиёт масканлари махсус иш режимига ўтказилди. Бундан ташқари, хориждан юртимизга қайтган ва касалланганлар билан алоқада бўлган фуқаролар карантинга олинди.

Аммо, тождор вирусни бартараф этиш бўйича кўплаб чекловлар амалга оширилаётган бўлсада, энг асосийси фуқароларимизнинг ўзига боғлиқ. Яъни, карантин ва чеклов талабларига тўлиқ риоя қилган ҳолда касаллик кенг кўламда тарқалиб кетишига чек қўйиш мумкин. Қолаверса, зарурат бўлмаса, кўчага чиқмаслик керак. Санитария ва гигиена талаблари, шифокорлар тавсияларига тўлиқ риоя қилиш шарт. Таниш, нотаниш одамлар билан ортиқча мулоқотга киришмаслик лозим. Афсуски, баъзи кимсалар карантин қоида ва талабларига беписандлик қилишмоқда. Хусусан, оддий ниқоб тақиб юришдан муаммо ясамоқдалар. Ваҳоланки, вируснинг ҳаво томчилари орқали юқишини инобатга олсак, озгина бепарволик ўзингиз ва яқинларингиз соғлиғига жиддий зарар етказиши мумкин.

ЗАРУРИЙ ТАВСИЯЛАР:

уйда қолганингизда ҳароратингиз кўтарилса, тезда шифокорга қўнғироқ қилиб, чақиринг. Асло ўзингиз поликлиникага борманг. Чунки, йўлда ёки шифохонада бир неча одам билан мулоқот қилиб, уларнинг ҳаётини ҳам хавф остида қолдирасиз.

Барчамиз белгиланган талаб ва тавсияларга тўлиқ амал қилсак, вирусни ортга чекинтириш осон кечади.

Биз сизларнинг саломатлигингиз учун ишдамиз, сиз биз учун уйда қолинг.

Тўрақул АРЗИҚУЛОВ,
вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи

ЗАРУР ЧОРАЛАР КЎРИЛМОҚДА

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Улар томонидан қисқа муддат ичида 67 та кўп қаватли уй, 876 та мактаб, 492 та мактабгача таълим ташкилоти, 267 та идора ва корхоналар, 11 та бозорда дезинфекциялаш ишлари олиб борилди.

Бундан ташқари, 6 минг 700 та жамоат транспорти, 21 та туман ва шаҳар автотураргоҳлари, Олмалиқ шаҳри автовокзалида ҳам дезинфекция ишлари амалга оширилди. Мазкур дезинфекция тадбирлари учун 67 тоннадан зиёд гипохлорид ва 396 килограмм тоза экохлор ишлатилди. Бундай тадбирлар узлуксиз давом эттирилмоқда.

Ҳар куни шаҳар ва туманлар санитария-эпидемиология осойишталик марказларининг 380 нафардан ортиқ ходими шахсий уй хўжаликларида коронавируснинг олдини олиш бўйича давра суҳбатлари ўтказишмоқда.

Бир ҳафта давомида мутахассислар 8 минг 800 хонадонни айланиб чиқиб, уларга оғзаки тушунтириш мунозараларидан ташқари 4 минг 590 нусха зарур эслатмалар тарқатишди.

Яшаш жойларининг тозалигини яхшилаш учун "Тоза ҳудуд" ободонлаштириш бўлимларининг ҳудудий хизматларига тегишли кўрсатмалар юборилди. Марказ ходимлари маҳаллий тиббиёт муассасалари ва патронаж ҳамширалар жамоалари билан ҳамкорликда иш олиб боришмоқда.

Ўтказилган чора-тадбирлар ҳамда уларни олиб бориш жараёнида юзага келган мавжуд муаммоларнинг кунлик маълумоти вилоят штабига тақдим этилмоқда.

Президентимиз "Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишга жалб қилинган тиббиёт ва санитария-эпидемиология хизмати ходимларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорни имзолади.

Қарорга мувофиқ:

* коронавирус инфекциясидан зарарланган беморлар билан мулоқотга киришадиган;

* зарарланган беморлар жойлаштирилган объектларда ҳамда коронавирус инфекциясини аниқлаш лабораторияларида фаолият олиб бораётган тиббиёт, санитария-эпидемиология хизмати ва бошқа ходимларга ҳар 14 кунлик фаолият даври учун қуйидаги миқдорларда (солиқлардан ташқари) махсус қўшимча рағбатлантириш тўлови белгиланди:

* врач ходимларга, врач-лаборантларга – 25 миллион сўм;

* ўрта тиббиёт ходимларига, ҳамшира-лаборантларга – 15 миллион сўм;

* кичик тиббиёт ходимларига – 10 миллион сўм;

* бошқа ходимларга – 5 миллион сўм.

* Махсус тўловлар карантин амал қиладиган муддат давомида, шу жумладан, жорий йилнинг март ойи учун, ходимнинг ҳар 14 кунлик фаолият даври якунида тўлаб берилади.

* коронавирус инфекциясига қарши курашиш доирасида беморлар билан ишлаган вақтида коронавирус инфекцияси юқтириб олган тиббиёт, санитария-эпидемиология хизмати ва бошқа ходимларга 100 миллион сўм;

* коронавирус инфекциясига қарши курашиш доирасида беморлар билан ишлаган вақтида коронавирус инфекциясини юқтириш натижасида оғир аҳволга тушган ва соғлиғи тикланмаган тақдирда тиббиёт, санитария-эпидемиология хизмати ва бошқа ходимларга ёки уларнинг оила аъзоларига эса 250 миллион сўм миқдорида бир марталик тўловлар тўланади.

* Ушбу тўловлар қонун ҳужжатлари, шунингдек, жамоа шартномалари ва бошқа локал ҳужжатлар ҳамда меҳнат шартномасига мувофиқ ходимнинг соғлиғига шикаст етказилганлиги ёки унинг вафоти муносабати билан тўланадиган тўловларни сақлаб қолган ҳолда қўшимча равишда амалга оширилади.

Ваҳимасиз карантин

Бирдамлик иммунитети

Оғир кунларда, иложсиз қолганимизда бир оғиз ширин сўзга ҳам сўзлар ҳам кўнгилни кўтариши бор гап. Сенга кўмак берувчилар эса, мумкинлик сезамиз. Бундай вазиятда кишилар тилидан чиқувчи илиқ аммонинг ярмини бартараф этганда ҳамма дек бўлади, гўё.

Аҳоли фикри ўрганилмоқда

Оҳангарон шаҳрида бўлиб ўтган акцияда иштирок этиб, аҳоли фикрини ўргандик. Аксарият аҳоли вазиятдан таҳликага тушмаган, аксинча, буни синов дея қабул қилишган.

Дастлаб "Адолат" маҳаллаларидаги уйлар йўлаклари, болалар ўйингоҳлари мутахассислар томонидан дезинфекция қилинди. Бу пайтда юқори қаватдан мўралаётган опахон – Раъно Мамурбоева билан икки оғиз суҳбатлашдик. "Кўчага деярли чиқмаяпмиз, дўконга ҳам зарур бўлганда борамиз. Фарзандларимизга аввалгидан кўпроқ эътибор қаратаяпмиз", – деди.

Нарх-наво қандай?

Кейинги манзил "Оҳангарон деҳқон бозори" бўлди. Дарвоқе, вилоятимизда илк бор аҳолини тепловизор (тана ҳароратини ўлчагич) воситасида назорат қилиш Оҳангаронда йўлга қўйилди.

Ҳарорати юқори бўлган фуқароларнинг маълумотлари ўрганилиб, зарур чоралар кўрилмоқда. Аҳоли саломатлиги учун керакли воситалар ҳомийлик асосида бепул тарқатилмоқда. Нарх-наво ўзгармаган. Аҳоли учун арзон ярмаркалар ташкил қилинган. Аҳоли ҳам мамнун: "Бошида сал саросимага тушгандик. Маҳсулотларни талашиб-тортишиб олаётганларни кўриб, хавотирлангандик. Энди ҳаммаси изига тушди".

Ғалаба қозонамиз

Куннинг иккинчи ярмида тадбиркорлар ва ҳокимлик томонидан хайрия қилинган озиқ-овқат маҳсулотлари билан хонадонларга бориб, аҳоли ҳолидан хабар олинди. Илк манзил Ҳикмат ота Ғофуров хонадони бўлди.

Улар набиралар қуршовида, карантин қоидаларини кун тартибига айлантириб олибдилар. "Кунига 7-8 марта қўлимизни совунлаб ювамиз. Телевизордан нималар қилишимиз кераклигини ўрганаяпмиз. Бошқаларга ҳам мунтазам телевизорни кузатишни тавсия қиламан. Соғлом турмуш тарзига риоя қилиб, набираларим билан вақтни мароқли ўтказаяпмиз. Уларнинг биттаси китоб ўқийди, тўрттамиз тинглаймиз..." дейди Ҳикмат отанинг турмуш ўртоғи Маҳбуба ая Сатторова. Уларнинг набираси Суғдиёна бизга ҳам китоб ўқиб берди. Жажжи Элбек эса, чучук тиллари билан бу "кўринмас махлуқ"ни енгишимизни тушунтирди.

"64 ёшимда инглиз тилини ўрганаяпман"

Тўртинчи кичик ноҳияда яшовчи Собира Хилбатуллаева ҳам уйда набираларига таълим-тарбия бермоқда. "Келинимга таътил беришибди. У билан биргаликда набираларим тарбияси билан шуғулланаяпмиз, уларга янада кўпроқ эътибор қаратаяпмиз. Аввал гаплашиб ўтиришга ҳам вақтимиз бўлмасдида. Тўртта набирамнинг тўрт олами бор экан... Шу кунларда ўзим ҳам уларга қўшилиб, инглиз тилини ўрганаяпман".

Натижа

Шаҳар ҳокимининг эрта тонгдан берган топшириқлари ижроси кун ярмидан ўтиб ниҳояланди. Орада аҳолига ниқоб ва совун улашилди, кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олинди, уйлар йўлаклари дезинфекция қилинди.

Бундай мазмундаги ҳисобот фақатгина бугун эмас, эрта, индин... ҳам давом эттирилади.

Бир кунлик савобли ишдаги иштироким якунида ўйга толдим: бугун дунё аҳли инсонларга "уруш очган" касаллик билан курашмоқда. Шундай қалтис вазиятда биздан талаб этилаётгани шунчаки, уйда, сабр ила кутиш. Тез орада бу кунлар ҳам ўтиб кетади.

Мадина АБДУСАМАТОВА
/ Тошкент ҳақиқати /

Деҳқонки дона сочар, ҳаёт эса давом этар...

Она заминга офтоб тафти тегиб, ер етилиши билан пахтакорларимиз эзгу ният ва қутлуғ мақсадларни дилга жо этиб, бу йилги мўл ҳосил умидида чигит экишни бошлаб юбордилар. Ўрта Чирчиқ туманидаги "Сайфулла-Беҳрузбек" фермер хўжалиги далаларида бўлганимизда айни шундай юмушлар устидан чиқдик.

— Мана кўраяпсизми, трактор ортидан чанг кўтарилаяпти, бу – ернинг тоза етилганидан дарак, — дейди Нуриддин фермер чигит экаётган техникалар томон ишора қилиб.

Дарҳақиқат, ерни экишга пешма-пеш тайёрлаб бераётган чизель, борона тортаётган қудратли МТЗ-80 трактори ва ерга уруғ қадаётган сеялкали "Беларусь" тракторлари изидан ҳавога енгил чанг кўтарилади.

– Бу йилги баҳор чигит экиш учун жуда қулай келди, – дейди фермер қўлига бир ҳовуч майин тупроқни олиб, кафтида тутар экан. – Биз эса бу ғанимат кунларда бор имкониятларимиздан унумли фойдаланиб, отни қамчилаяпмиз.

Дарвоқе, ўтган йили ҳам чигит экишни мартнинг охирларида тугаллаб, кузда биринчи теримда 30 центнердан хирмон кўтарган ҳолда шартнома режасини дўндириб қўйган Нуриддин фермернинг имкониятлари янада катта. Ўтган йили 61 гектар пахта майдонидан мўл ҳосил етиштирилиб, ҳосилдорлик 36 центнерга етган, пировардида, жами 209 тонна пахта сотилганди. Даромад эса 400 миллион сўмнинг нари-берисида бўлди!

Мана шу даромад ҳисобига фермер бу йилнинг бошида бир қатор техникалар, жумладан, "Беларусь 82,1" русумли замонавий чопиқ трактори, "SANSA" русумли энг замонавий экиш сеялкаси ва бошқа техникаларни сотиб олди. Ҳозир бу фермер хўжалиги ихтиёрида жами 9 та техника мавжуд. Ҳали Нуриддин фермер "бор имкониятлардан унумли фойдаланиб" деганида ана шу техникаларни назарда тутган бўлса ажабмас.



Халқимизда "Техника – деҳқоннинг қаноти", деган гап бор. Дарҳақиқат, уловию омочи шай деҳқон юксак мақсадларни кўзлайди-да.

– Мана бу сеялка жуда зўр экан, қаранг, – дейди фермер унга чигит ва минерал ўғитлар солаётган ишчилари ҳаракатини завқ билан кузатиб. – Чигитни аниқ, доналаб экиш баробарида бир йўла ерни ҳам ўғитлаб кетади. Кўриб турганингиздек, сеялкага чигит билан бирга ҳар гектар ҳисобига 100 кг. аммофос, 100 кг. карбамид ва 50 кг. кальций ўғитлари ҳам солинмоқда.

Тажрибали деҳқоннинг айтишича, шундай усулда экилган чигитдан соғлом кўчат олиниб, дуркун ривожланади.

Хуллас, "Сайфулла-Беҳрузбек" фермер хўжалиги аъзолари экин-тикинни туманда биринчилардан бошлаб, жадал ва сифатли якунлашга ҳаракат қилишаяпти. Бунинг учун куч ва имкониятлар етарли. Ишчиларнинг унумли меҳнат қилишлари учун даланинг бошида иссиқ овқат, чой ташкил этилган. Далада очиқ ҳаво, қолаверса, одам камку, лекин барибир эҳтиёт шарт: ишчиларнинг санитария қоидаларига риоя қилишларига ҳам қатъий эътибор берилаяпти.

"Бир кун аввал эккан – ўн кун аввал ҳосил йиғади", дейишади бободеҳқонларимиз. Экиш мавсумини бу йил ҳам туманда биринчи бўлиб бошлаб, барвақт якунлашни ният қилган Нуриддин фермернинг ҳосили ҳам, даромади ҳам ўтган йилдагидан анча баракали бўлади.

Маъмуржон БОЗОРАЛИЕВ
Мансур ҲИММАТОВ олган суратлар

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Қибрайлик фуқаро 2 МИЛЛИОН СЎМдан ортиқ миқдорда жарима тўлайдиган бўлди

Бугунги кунда ОАВ вакиллари ва блогерлар томонидан Чирчиқ дарёси муҳофаза зонасида ноқонуний чиқиндихоналарнинг юзага келгани, ишлаб чиқариш корхоналари, хусусий тадбиркорлар, оддий фуқаролар томонидан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қонунчилиги талабларига риоя этилмаганлиги юзасидан мурожаатлар, ижтимоий тармоқларда хабарлар берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси маълум қилишича, мазкур муаммони самарали ҳал этиш мақсадида Тошкент вилояти бошқармаси томонидан Чирчиқ дарёсининг муҳофаза зонасида жойлашган объектлар хатловдан ўтказилган.

Хатлов натижаларига кўра, Тошкент вилояти Чирчиқ дарёсининг 250 метрлик муҳофаза минтақасида жойлашган объектлар сони 2 минг 652 тани (ишлаб чиқариш ва автотранспорт корхоналари, дала ҳовлилар, ошхона, ресторан ва бошқалар) ташкил этади.

Бугунги кунга қадар қўмита тизимидаги давлат инспекторлари томонидан рейд тадбирлари ташкил этилди. Хусусан, Қибрай тумани "Чингелди" МФЙ ҳудудида Чирчиқ дарёсига номаълум шахслар томонидан ноқонуний равишда тўкиб кетилган (тахминан 50 та машина) қурилиш ва маиший чиқиндилар тозаланиб, 1 гектарга яқин майдонда ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Ушбу ишларни амалга оширишда "Тошвилйўлсаноат" АЖ ва "Автойўл" АЖнинг техникалари жалб этилди.

Худди шу каби Қибрай тумани "Роҳат" МФЙ ва Юқори Чирчиқ тумани "Болта" МФЙ ҳудудларида Чирчиқ дарёсининг 2 километр масофасида чиқиндилардан тозалаш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилди.

Рейд давомида Қибрай туманидаги "Ҳақиқат" МФЙ ҳудудида фуқаро Е.А. томонидан ЗИЛ автомашинасида қурилиш чиқиндиларини белгиланмаган жойга ташлаганлиги аниқланиб, МЖтКнинг 91/1-моддаси билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 баробари миқдорининг (669 000 сўм) маъмурий жарима қўлланилди. Шу билан бирга, "Тузель" МФЙ ҳудудида фуқаро Н.И.нинг ноқонуний равишда қум-шағал қазиб олиш ҳолати аниқланиб, МЖтКнинг 70-моддаси билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баробари миқдорида (2 223 000 сўм) жарима қўлланилди.

Рейд тадбирлари давом этмоқда.

ЎзА

МАҲАЛЛА – ҚАДРИЯТЛАР БЕШИГИ

Маҳалламизда 2 минг 600 нафар кўп миллатли аҳоли бир оила фарзандларидек истиқомат қилади. Шундан 1 минг 315 нафарини хотин-қизлар ташкил этади.

Шукрки, маҳалламиз тинч, кундан-кунга ободлашиб, чирой очиб бормоқда. Маҳалламиз аҳолиси, қўни-қўшнилар келишиб, иноқ яшашади. Кам таъминланган оилаларга ёрдам бериб, беморлар ҳолидан хабар оламиз.

Маҳалламизда ўнг қўлинг берганини чап қўлинг билмасин, қабилида иш кўрадиган саховатпеша инсонлар кўп. Уларнинг ёрдами билан ижтимоий кўмакка муҳтож оилалар қаддини тиклаб олмоқда, муаммолари ҳал этилмоқда. Ҳар бир эзгу ишга камарбаста ҳожи оналар Маҳмуда Эргашева, Раъно Усмонова, шунингдек, тадбиркор Даврон Абдуллаев ташаббуси билан меҳрибонлик ва мурувват уйларига бориб, кўнгли ярим инсонлардан ҳол-аҳвол сўраймиз, ёрдам қўлини чўзамиз.

Баҳор юмушларини аллақачон бошлаб юборган маҳалладошларимиз ҳовли-кўчалари, ариқ-зовурларини тозалаб, тартибга келтириб, кўчат экиш акциясида фаол иштирок этишмоқда.

Мактуба САРИМСОҚОВА,
Тошкент туманидаги "Аҳиллик" маҳалласи раиси

МИНГ ОИЛАГА – МИНГ ТУҲФА

Тошкент вилоятида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, ночор оилаларга ҳар томонлама кўмаклашиш, камбағалликни камайтиришнинг аниқ ва манзилли чора-тадбирларини белгилаш ва бу борадаги дастурий мақсад-вазифаларни ҳаётга жорий этиш юзасидан изчил фаолият олиб борилмоқда.

Куни кеча вилоят ҳокимининг ташаббуси билан вилоятда ижтимоий ҳимояга муҳтож, бемор ва ногиронлиги бўлган, якка-ёлғиз, эҳтиёжманд оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида, "Минг оилага – минг туҳфа!" ижтимоий хайрия акциясига старт берилди.

Хайрия акцияси доирасида вилоят ҳокимлиги томонидан саховатпеша инсонлар, ҳомийлар ва корхона-ташкилотлар кўмагида мингта кам даромадли оиланинг ҳар бирига қорамол ҳадя қилиш кўзда тутилган.

Ушбу меҳр-саховат тадбири Оққўрғон туманида бошланиб, эҳтиёжманд ҳамда боқувчисини йўқотган оилаларнинг 41 тасига бир бошдан соғин сигир топширилди.

– Бизга кўрсатилган бу юксак мурувватдан кўзларим ёшга тўлди, – дейди "Зарбдор" маҳалласи фуқароси Нигора Қодирова. – Шундай хайр-саховат устун юртда яшаётганимга яна бир бор шукроналар айтдим. Биз каби қўли калта оилаларни қўллаб-қувватлаётганларга раҳмат. Энди бизнинг уйимизга ҳам барака кирди, оғзимиз оққа етди.

Мазкур хайрия акцияси вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида ўтказилиши режалаштирилган.

Тошкент вилоят ҳокимлиги Ахборот хизмати

Дарвоқе

ПИЁДАНИНГ УМРИ ЗИЁДА

Бугунги кунда тиғиз иш вақти ва бошқа омиллар сабаб одамларда кун давомида ҳаракат миқдори жуда камайиб кетмоқда. Бунинг оқибатида инсон саломатлигида салбий ўзгаришлар вужудга келаяпти. Камҳаракатлилик бутун дунёнинг ўткир муаммоларидан бирига айланиб бораяпти, десак адашмаган бўламиз. Ҳозирда кўпчиликда учраётган уйқусизлик, диққат-эътиборни жамлашнинг секинлашиши, хотиранинг пасайиши, тез чарчаш ва семизлик ҳолатларига ҳам асосий сабаб камҳаракатликдир.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, йилига чекишдан 5 миллион, камҳаракатликдан эса 5,3 миллион одам ҳаётдан кўз юммоқда.

Шунингдек, мутахассисларнинг фикрича, ҳафтада атиги 2,5 соатлик жисмоний фаоллик эрта ўлим ҳолатларини 28 фоизга, юрак касалликлари эҳтимолини эса 20 фоизга камайтирар экан. Жисмоний фаоллик натижасида организмда биосинтез жараёни фаоллашади. Қон айланиши 4-5 марта кучаяди, юрак қисқаришлари сони тезлашади. Бу эса организмнинг янги энергия билан таъминланишини яхшилайди.

Хўш, жисмоний фаолликка эришиш учун нималарга эътибор қаратиш керак?

Бунинг энг мақбул ечими – пиёда юришни одатга айлантиришдир. Чунки, кўпчиликда спорт билан шуғулланишга вақт, имкон ва хоҳиш бўлавермайди. Пиёда юриш учун эса кўп энергия сарфлашга ҳожат йўқ.

– Пиёда юриш кўпгина хасталикларнинг олдини олади, – дейди Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаолликни ошириш маркази вилоят бўлими бошлиғи Гулнора Тўхтаназарова. – Жумладан, мушакларни бақувват қилади, суяк тўқимасини мустаҳкамлайди. Шунингдек, ҳар куни 15-20 дақиқа пиёда юриш юрак қон-томир касалликларининг олдини олади, қон босимини меъёрлаштириб, мия фаолиятини яхшилайди. Қолаверса, овқатнинг тез ҳазм бўлишига ёрдам беради ҳамда семиришдан сақлайди.

Дарҳақиқат, жисмоний ҳаракат, соғлом турмуш тарзи ва тўғри овқатланиш саломатлик ва узоқ умр кўриш гаровидир. Бунга амал қилганлар, ёшидан қатъи назар тетик ва бардам юрадилар.

Зухриддин РАҲМОНОВ,
/ Тошкент ҳақиқати /

"Пиёда юриш – инсон учун энг яхши даво воситаси".
Гиппократ.

ИНСУЛЬТНИ ЕНГДИМ

Яқинда 80 га тўлдим. Икки йил аввал инсульт бўлиб, чап томоним ишламай қолди.

Мундоқ ўйлаб қарасам, қарийб 25 йилдан бери деярли пиёда юрмас эканман. Уйга келгач ҳам, диванда ёнбошлаб телевизор кўрардим. Ҳатто, бир бекат жойга ҳам машинада чиқиб келардим. Касалхонадан чиқаётганимда шифокорлар: "Биз дори-дармонлар билан керакли муолажаларни қилдик. Бу ёғи, яъни оёққа туриб кетишингиз ўзингизга боғлиқ. Секин-аста жисмоний ҳаракатлар билан соғлиғингизни тиклашингиз мумкин", дейишди. Очиғи, ишонмадим. Энди юролмайман шекилли, деб тушкунликка тушиб қолгандим. Лекин, ўзимни қўлга олиб, аввал қўлтиқтаёқда оз-оздан хонада, сўнг ҳовлида юришни бошладим. Қарангки, аҳволим яхшиланиб, бир-икки ойда ҳассага ўтиб, кўчага чиқадиган бўлдим. Борган сари масофани узайтириб, ҳам сайр қилдим, ҳам соғлиғим учун курашдим. Оллоҳга шукр, мана ҳозир ҳассани қўлимга илиб олиб, ўзим юраяпман. Ҳар куни эрталаб ва кечқурун маҳалламизни пиёда айланиб чиқаман. Ишонасизми, мен пиёда юриш орқали шу ёшимда инсультдек хавфли касалликдан соғайдим.

Дарҳақиқат, шифокорларнинг гапида жон бор экан. "Бошидан ўтказган табиб" деганларидек, бошқаларга ҳам кўпроқ пиёда юришни тавсия қиламан. Соғлиқ учун жуда фойдали экан, мия фаолиятини яхшилайди, семиришнинг олдини олади, кайфиятингиз ҳам кўтарилади.

Ғайрат СУЛАЙМОНОВ,
меҳнат фахрийси
Қибрай тумани

Эълон

АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!

2020 йил 27 апрель куни соат 10.00 да мулкнинг бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошириш тартибида ўтказиладиган "Очиқ аукцион" савдосига "Тошкент ИЭС" АЖга қарашли қуйидаги бинолар қўйилмоқда: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Салар ШФЙ, "Фаровон" МФЙда жойлашган, бошланғич баҳоси – 2 062 564 000 сўм бўлган умумий ер майдони 0,299 Га, умумий қурилиш майдони 470,82 кв.метрдан иборат 2 қаватли бино. Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Салар ШФЙ, "Фаровон" МФЙда жойлашган, бошланғич баҳоси – 868 736 000 сўм бўлган умумий ер майдони 0,461 Га, умумий қурилиш майдони 697,07 кв.метрдан иборат мини ферма. Аукцион ғолиби мулкнинг сотиб олиш баҳосидан ташқари "Савдо ташкилотчиси"га мулк сотув нархининг 1 (бир) фоизи миқдорида комиссион йиғим тўлаши лозим.

2020 йил 27 апрель куни соат 11.00 да мулкнинг бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошириш тартибида ўтказиладиган "Очиқ аукцион" савдосига "Тошкентдонмаҳсулотлари" АЖга қарашли Тошкент вилояти, Қуйи Чирчиқ тумани, Майдонтал ҚФЙда жойлашган, бошланғич баҳоси – 257 121 000 сўм бўлган умумий ер майдони 0,82 Га, умумий қурилиш майдони 822,72 кв.метрдан иборат "Биолаборатория биноси" қўйилмоқда. Аукцион савдоси Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон майдони, 13А-уй, "Савдо ташкилотчиси"нинг биносида ўтказилади. Ҳар бир мулкка қўшимча хизматлар кўрсатиш учун 1 000 000 сўм миқдорида тўлов олинади.

2020 йил 27 апрель куни соат 15.00 да мулкнинг бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошириш тартибида ўтказиладиган "Очиқ аукцион" савдосига қуйидаги дарахтлар ва уларга бўлган ҳуқуқлар қўйилмоқда: "O`TKIR JALOLITDINOVICH" фермер хўжалигига қарашли Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Бўзсув" ҚФЙда жойлашган бошланғич баҳоси – 54 770 334 сўм бўлган 3,31 Га ер майдонида жойлашган жами 2567 тип олхўри дарахтлари ва уларга бўлган ҳуқуқлар; "BEK BRAVO AGRO" фермер хўжалигига қарашли Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Бўзсув" ҚФЙ, Мирзо Улуғбек массивида жойлашган бошланғич баҳоси – 47 674 827 сўм бўлган 4,38 Га ер майдонида жойлашган жами 732 тип олма дарахтлари, 812 тип олхўри дарахтлари ва уларга бўлган ҳуқуқлар. Аукцион ғолиби мулкнинг сотиб олиш баҳосидан ташқари "Савдо ташкилотчиси"га мулк сотув нархининг 5 (беш) фоизи миқдорида комиссион йиғим тўлаши лозим. Аукцион савдоси Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Эшонгузар қўрғони, Мустақиллик кўчаси, 23-уй, туман ҳокимлигининг биносида ўтказилади. Ҳар бир мулкка қўшимча хизматлар кўрсатиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробари миқдорида тўлов олинади.

Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 10 (ўн) кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиши лозим. Мазкур мулклар сотилмай қолган тақдирда такрорий аукцион савдолари ҳар ҳафтанинг душанба кунлари юқорида кўрсатилган соатларда ўтказилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 10.00, 11.00 ва 15.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар тузиладиган закалат келишувига асосан объект бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги тўловни савдо ташкилотчиси "PRIME REALTY" МЧЖнинг АТБ "InfinBANK"даги 20208000700765990001, МФО: 01041, ИНН: 304844964 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома ва унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўлаганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Манзил: Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Ҳ. Олимжон кўчаси, 13А-уй. Тел.: 998-580-112, e-mail: info@primerealty.uz, www.primerealty.uz.

Лицензия рақами RR 0285

"Тошкент ҳақиқати" ва "Ташкентская правда" газеталари жамоаси таҳририятда кўп йиллар самарали фаолият юритган фахрий журналист, шоир

Шавкат ТУРОБнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Тошкент вилояти касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармаси жамоаси Бўка тумани маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи директори Нигора Исоқуловага падари бузруквори

Суннатулла ота АБДУҲАКИМОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Биз уйда қолдик!

Вилоятимиздаги мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчилари ва мактаб ўқувчилари карантин даврида уйда масофавий таълим ва онлайн дарслардан сўнг, ўзлари қизиққан машғулотлар билан шуғулланишмоқда.

Кексалар қатори болажонларимизга ҳам эътиборли бўлайлик!

Улар кўчада никобсиз, уйда китобсиз қолмасинлар!

Бугуннинг гаплари

"Хомоши"

Абдулла ака эрталаб уйдан чиқиб, тўғри маҳалла гузаридаги озиқ-овқат дўконига кирди. Сотувчидан ҳар куни нечта қолипли нон сотилишини суриштирди. Кунда сотиладиган боннинг пулини ҳисоб-китоб қилди.

– Ўн кун давомида ҳеч кимдан боннинг пулини олмайсан. Мана сенга ўн кунлик боннинг пули, – у шундай деб сотувчига пул санаб берди.

Сўнгра маҳалла идораси томон йўл олди. Оқсоқол билан маслаҳатлашиб, кам таъминланган, эҳтиёжманд оилалар рўйхатини тузди.

Кечга яқин маҳаллада гап тарқалди: Абдулла бойвачча 20 та хонадонга йўқлов киритибди. Ҳар бир қоғоз қутида 3 кг.дан гуруч, гўшт, сабзи, бир ошлик пиёз, ёғ, нўхат бор эмиш. Ҳатто, туз билан зираворларни ҳам унутмабди.

– "Хомоши" билан йўқлабди-да. Қадимда йўқловлар ана шундай бўлар эди, – деди маҳалла оқсоқоли. – Бу удум кейинги йилларда унутилиб кетаёзган эди.

Дарвоқе, ҳалиги маҳсулотлар ёнида алоҳида елим халтачада 10 донадан юзга тақиладиган никоб, исириқ ва бир марталик қўлқоплар ҳам бор эди.

Абдулла ака ўғилларига синов кунлари ўтиб кетгунга қадар ҳар пайшанба ана шундай йўқловлар қиламиз, деганини ён қўшниси эшитиб қолибди.

"Қизиқ, – деб ўйлабди қўшниси. – Ўн кунча аввал қўшни қишлоқдаги яқинлари Абдулла бойваччадан машина олишга озгина пулимиз етмаяпти, деб қарз сўраб келишганида бермаган эди..."

Мутолаа завқи

ТАГИГА ЧИЗИЛГАН САТРЛАР

Менимча, ҳақиқат ёлғиз Худога аён. Инсон руҳи ҳам ҳақиқатни билишга қодир. Аммо, бунинг учун у зимистон танадан чиқмоғи лозим.

Аврелий Августин

Ўзгаларнинг қалбида нималар рўй бераётганига бепарволик билан қарагани туфайли бахтсиз бўлган одамларни кўрсатиш қийин. Аммо, ўз қалбига қулоқ тутмаган, уни назорат қилолмаганларнинг бахтсизликка учраши муқаррардир.

Марк Аврелий Антонин

Ёш бола йўлда онасини йўқотиб қўйса, атрофида сочилиб турган ўйинчоқларга ҳам, атрофидаги болаларга ҳам қиё боқмай кўяди. Чунки, у онасини йўқотиб қўйди.У йиғлашни бошлайди, онасинигина истайди, энди унга онасидан бошқа ҳеч ким керак эмас.

Бу ҳолатдаги Аллоҳнинг ҳикмати шулки, бунда Аллоҳ азза ва жалла Ўзига яқин бўлиш неъматининг қадри қанчалик улкан эканини бандасига билдириб қўймоқда.

Шунинг учун банда Аллоҳдан алоқани узган пайтда унга ҳеч нарса ёқмайди, қалби ҳеч нарсадан таскин топмайди, бирор нарса унга завқ улашмайди, чунки у дўстини йўқотган бўлади.

Доктор Муҳаммад Ротиб Наблусий

Сен драмада иштирок этаётган бир актёр эканлигингни, катта ёки кичиклигидан қатъи назар, муаллиф томонидан топширилган ролни ўйнашинг кераклигини унутма. Агар у қашшоқ тимсолини ўйнашингни истаса, бу вазифани сидқидилдан бажар. Бирор ногирон кимса ёки ҳукмдор, ё бўлмаса оддий фуқаро тимсолини ҳам астойдил адо эт.

Сенинг вазифанг зиммангга юклатилган ролни яхшилаб бажаришдан иборат. Рольларни тақсимлаб бериш эса ўзганинг иши.

Эпиктет, қадимги Рим файласуфи

Агар сиз фақат бошқалар ўқиётган китобларнигина ўқиётган бўлсангиз, демак, сиз ҳам бошқалар нимани ўйлаётган бўлса шуни ўйлай оласиз, холос.

Харуки Мураками

Ёмон тарбия кўрган одамдаги жасорат – даҳалликка, билимдонлик – майдакашликка, заковат – масхарабозликка, очиқ кўнгиллик – мунофиқликка айланади.

Жон Локк

Табиатнинг ўзи табиб

МАЙИЗ – САЛОМАТЛИК УЧУН ЖОИЗ

Камқонлик аниқланган бўлса, майиз ейиш баробарида унинг сувини ичиш ҳам тавсия этилади. Бунинг учун 10 дона майизни пиёлага солиб, устидан ярим стакан қайнатиб илитилган сув қуйинг. Пиёла устини ёпиб, эрталабгача қолдиринг. Оч қорнинга майиз сувини ичиб турсангиз, гемоглобин миқдори меъёрлашади.

Хасталикдан кейин қувватни тиклаш учун майиз, ёнғоқ ва асал аралашмаси тавсия этилади. Тенг миқдорда ёнғоқ ва асални гўштқиймалагичдан ўтказиб, таъбга кўра асал билан аралаштириб оласиз. Нонушта вақти 1-2 чой қошиқдан истеъмол қилиб турсангиз кифоя.

Буйрак касалликларида кунора майиз истеъмол қилиш мақсадга мувофиқдир. Майиз таркибидаги фойдали элементлар пешоб ажралишини фаоллаштиради.

Мунтазам майиз истеъмол қилиш оғиз бўшлиғи касалликларида ҳам асқотиши мумкин. Майиз суви эса милк шамоллаши, стоматит яралари ҳамда йўталда фойдали.

Майизли муолажа семизлик, юрак етишмовчилиги, ошқозон ва 12 бармоқли ичак яраси ҳамда қандли диабетда тавсия этилмайди.

Шанба табассуми

– Менинг тахаллусим Оламжаҳон, – деди расмий талаффузда, таҳририятга чўғдек қизил кўйлакда товланиб кириб келган силлиқ сочли йигит. – Насрда янгича, яъни модерн услубида ижод қиламан. Охирги машқларимдан биттасини олиб келдим, шуни кўриб чиқсангиз.

Сўнг юпқагина дафтарини муҳаррирга узатди-да, илова қилди:

– Бир ўқишда мағзини чақиш қийин, модерн-да! Эртага хабар оларман.

ТУШ

У хайрлашиб чиқиб кетгач, муҳаррир стол устидаги бир уюм қоғозни четга сурди ва фавқулодда диққатни тортган йигитнинг асарини ўқишга киришди:

"Ажойиб, янгича, қисқа, жумбоқ ҳикоя

Туш кўрибман. Унда мен туш кўраётган эканман. Нимани бўларди, туш кўраётганимни-да.

Қизиғи шундаки, ўша тушимда ҳам туш кўраётган эканман. Пар тўшакда ухлаб ётганим ва туш кўраётганимни. Фақат бу тушимда сомон устида ухлаётган эканман. Ухлаб, туш кўраётганимни туш кўраётибман экан. Ўшанда кўраётган тушимда ҳам туш кўраётганимга ишонасизми? Ишонинг, айнан ўша тушимда бирдан ер қимирлаб, уйғониб кетдим. Шундан кейин то охиригача уйғондим. Уйғонсам, ростданам зилзила бўлаётган экан. Кейин кун бўйи неча марта уйғониб, ҳақиқий уйғонганимни санаб юрдим. Тополмадим.

Оламжаҳон"

Муҳаррир бир муддат ўйланиб қолди-да, "модерн" асарнинг қуйироғига жимжимадор қилиб ёзиб қўйди: "Асло безовта бўлманг, сиз авангард ёзувчи бўлганингизни туш кўраяпсиз".

ЛИМОНЛИ СУВ...

Исроиллик шифокорларнинг таъкидлашича, лимон шарбати аралаштирилган қайноқ сув кўп касалликлардан асрайди. Ҳатто, саратон ҳужайраларини йўқотиши мумкин.

Бундай ичимликни тайёрлаш учун 1 стакан қайноқ сувга 2-3 бўлак лимон шарбатини сиқинг ва уни ҳар куни ичишга одатланинг. Фақат шакар қўшманг. Бу ичимлик таркибида полифенол моддаси мавжуд бўлиб, юқори қон босимини туширишга, қон томирлардаги тромбларни йўқ қилиш, қон айланишини яхшилаш ва юракка борувчи қон томирларда тромб ҳосил бўлишининг олдини олишга ёрдам беради.

Тушунган одамлар

Ҳожи ака набираси Шоҳруҳга қўл телефонини тутқазиб, тайинлади:

– Телеграмдаги "Ҳаж – 2017" деб номланган гуруҳга "иншооллоҳ", деган сўзни ёзиб, жўнатвор...

У киши замонавий қўл телефонидаги ҳамма жараёнларни билади. Бироқ, ҳарф теришда бир оз қийналади. Набирасидан илтимос қилгани шундан.

Шоҳруҳ чаққонлик билан ҳарф тераётиб, экрандаги каттагина матнга кўзи тушди. Унга шундай жумлалар ёзилганди:

"Қадрдонларим, хабарингиз бор, эрта ўтиб, дам олиш куни навбатдаги "гап"имиз Нуриддин ҳожи аканинг уйларига белгиланган. Бугунги шароитни инобатга олиб, йиғилишимизни омон-омон кунлар келгунга қадар қолдирсак, деган таклифим бор. Яхши кунларни янада яқинлаштириш учун уйимизда қолиб, фарзандларимиз ва набираларимиз бўш вақтини мазмунли ўтказишга ҳисса қўшайлик. Дуода бўлайлик. Юртимизга келган бало-қазонинг тезроқ даф бўлишини Яратгандан илтижо қилиб сўрайлик. Шояд, дуоларимиз ижобат бўлса..."

Сўнгра кетма-кет билдирилган муносабатларни ўқиди:

"Тўғри бўлади";

"Розимиз";

"Дуодамиз"...

Шоҳруҳ шуларни ўқиркан, атай ҳисоблаб чиқди: "Иншооллоҳ" деб ёзилган сўз ўн еттинчи муносабат бўлибди. Гуруҳда 18 нафар ҳожи бор экан...

Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ

Турмуш чорраҳаларида

НИҚОБЛИ КУНЛАР...

Рўзғорнинг "ғор" деганлари шу бўлса керак – уйда гугурт қолмабди. Карантин пайтида кўчага камроқ чиқайлик деб харажат қилганда шугина кичик эҳтиёжни унутибмиз. Бу кунларнинг ҳикмати ҳам шундамикин – неъматларнинг зарра-заррасигача қадрлашни ўрганаяпмиз. Яратган эгамизга қайта-қайта юзланаяпмиз, яқинлашаяпмиз...

Эшик олдига етганда одатга кўра йўлақдаги кўзгуга бирров қараб... никобли қиёфамни кўрдим ва беихтиёр тўхтаб қолдим. Ичимдан нидо келди: "САБР, ШУКР, ЗИКР!"

Зинадан тушаётганим пайт пастдан кўтарилаётган одамнинг қадам товушлари эшитилди. Яшин тезлигида бир савол туғилди – "Никоби бормикин?" Ё тавба, шуни ўйлабман...

Нон кўтариб келаётган тўрт қаричгина болакайга рўпара келдим. Никоб тепасида қуралай кўзлари порлаб турарди. Бу учинчи қаватдаги кексаларнинг дастёр набираси.

У доимгидек кўлини кўксига қўйиб салом берди.

– Баракалла! Уйдагилар яхши ўтиришибдими?

– Хм. Ану... карвонвирус бору, – деди болакай, элга келган бало номини айтишга чучук тили келишмай, – ўша чол-кампирларга тез юқаркан. Шунийчун бобом билан бувиларни ташқарига чиқармаяпмиз.

– Жуда тўғри!

– Хола, сиз ҳам уйда ўтиринг, телевизорда айтишди.

– Албатта! Сиз эса кирибоқ қўлни совунлаб, ювинг.

– Хўп, биламан.

Гўдакнинг беғубор фалсафасидан кўнглимга нур киргандай бўлди. Ижтимоий тармоқларда пандемиядан сақланиш бўйича ўз роликларини намойиш этаётган билимдон болакайлар, синов палласида ҳидоятга чорловчи эзгу сатрлар битаётган ижодкор ўғил-қизлар, митти қўлчаларини дуога очиб, катталар билан баробар юртга омонлик сўраётган зурриётларимиз борлигига мингдан-минг шукр! Улар доим бизга суянишади, бугун эса биз ҳам қалбан уларга суянаяпмиз.

Ташқарида олам яшилликка бурканган, қушлар кўкда қувлашар, шафтоли гуллари хандон отмоқда...

Бу кунлардан биргалашиб омон ўтамиз, иншооллоҳ!

Гулчеҳра АСРОНОВА

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Манзилимиз: 111500, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 90.
Тошкент шаҳридаги офисимиз: 100000, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:
Қабулхона: (71) 233-64-95, (71) 233-58-85 (факс)
Бош муҳаррир ўринбосари: (71) 233-70-10
Масъул котиб: (71) 233-90-82
Бўлим муҳаррирлари: (71) 233-38-23, (71) 233-48-08
Эълонлар ва ҳисоб-китоб бўлими: (71) 233-65-59, (71) 233-54-10
Электрон почта: toshkenthaqiqati@umail.uz //// th-tp@inbox.ru

Тошкент вилояти Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва Тоҳир Маҳмудхўжаев томонидан саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Назоратчи мусаҳҳиҳ Аллома АЗИЗОВА
Навбатчи Баҳодир БАҲРОМОВ

Буюртма Г-343. Баҳоси келишилган нархда. Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. 13 105 нусхада чоп этилди ISSN 2010-9318.

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 20.00 1 2 3 4 5 6